

## “БУЮК СОҲИБҚИРОН-БУЮК БУНЁДКОР” МАҲОБАТЛИ РАНГТАСВИР АСАРИ ХУСУСИДА

**Қодирова Зилола Рўзиевна**  
Камолиддин Беҳзод номидаги  
Миллий рассомлик ва дизайн институти  
1 курс таянч докторанти (PhD)

### АННОТАЦИЯ

Мақола Ўзбекистон маҳобатли рангтасвирида шарқ миниатюра санъати анъаналарини янги талқин этишдаги замонавий бадиий жараён ҳақида. Шунингдек мақолада Ўзбекистон мустақилликка эришилгандан сўнг шарқ миниатюра санъатининг унутилиб кетган технологиясини тиклаш, анъаналарнинг давом эттирилиши ва тараққиёти кўриб чиқилган. Темурийлар тарихи давлат музейи интерьерига ишланган маҳобатли рангтасвир асари мақолада ёритиб берилган.

**Калит сўзлари:** маҳобатли рангтасвир, миниатюра, анъана, рамз, композиция, рассом.

### АННОТАЦИЯ

В статье рассказывается о современном художественном процессе в новой интерпретации традиций восточно-миниатюрного искусства в величественных картинах Узбекистана. В статье также рассматриваются вопросы восстановления забытых технологий восточного миниатюрного искусства после обретения независимости Узбекистана, продолжения и развития традиций. В статье описывается монументальная роспись интерьера Государственного музея истории Темуридов.

**Ключевые слова:** монументальная живопись, миниатюра, традиция, символ, музей, композиция, художник.

### ABSTRACT

The article is about the modern artistic process in the new interpretation of the traditions of oriental miniature art in the majestic paintings of Uzbekistan. The article also discusses the restoration of the forgotten technology of oriental miniature art after the independence of Uzbekistan, the continuation and development of traditions. The article describes a monumental painting on the interior of the State Museum of the History of the Temurids.

**Keywords:** monumental painting, miniature, tradition, symbol, composition, artist.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг миллий анъаналарга жумладан ўрта асрлар мумтоз шарқ миниатюра санъатига бўлган қизиқиш янада ортди. Ўтмишнинг улуғ мусаввири Камолиддин Бехзоднинг бадиий меъросидан ижодий фойдаланиш уларни давом эттиришга бўлган қизиқиш кучайди. Миниатюрачи рассомлар санъатнинг унутилиб кетган технологиясини тиклаш ва ўтмиш мусаввирларининг энг яхши анъаналарини давом эттиришга киришдилар.

Шарқ ўрта аср китоб миниатюраси 1970 йиллар охири-1980 йиллар бошларида Ўзбекистон локли миниатюраси заминида қайта тикланди. 1990 йилларга келиб, у ўзида қоғоз, мато, чарм, газмолга ишланган миниатюрадан то миниатюра услубида бажарилган маҳобатли асарларгача қамраб, яхлит бадиий услубий хусусият касб этмокда.[2]. Чингиз Ахмаров, Ниёзали Холматов, Шомахмуд Мухаммаджонов шу санъат турини қайта тиклаб янада ривожлантиришга ўз хиссаларини қўшдилар.

Асрлар давомида шаклланиб ривожланиб келган шарқ мумтоз миниатюра рангтасвири жаҳон санъати тарихида ҳақли равишда фахрли ўринни эгаллайди. XX аср ва XXI аср бошида Ўзбекистон рассомлари ҳамда ҳалқ усталари томонидан бир қанча маҳобатли рангтасвирда миниатюра анъаналарининг кўплаб дурдона асарлар яратилди.[1].

1980-90 йиллар оралиғида Шарқ миниатюраси анъаналари тасвирий санъатнинг турли кўринишларида, жумладан маҳобатли деворий суратларда фаол тарзда қайта тикланди. Бу жараённинг боши 1947 йил Тошкентдаги А.Навоий номидаги опера ва балет театри интерьерини деворий миниатюра суръатлари билан беаган рассом Ч.Ахмаров ижодида кўринган эди.[2]. Чингиз Ахмаров мумтоз шарқ миниатюра санъати анъаналарини ўз ижодида давом эттирар экан унга янгича мазмун ғояларини уйғунлаштирган ҳолда бойитди.

Биринчи маротаба миниатюра санъати услубида йирик маҳобатли деворий суратлар яратиш “Санойи нафиса” гуруҳи томонидан амалга оширилди. Ёрқин бадиий ғоялар билан мужассамлаштирилган биринчи маҳобатли рангтасвир асарлари 1990 йилларда яратила бошланди. 1996 йилда Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи интерьерини безатишда амалга оширилган тасвирий санъат асарлари туркуми республикамиз бадиий ҳаётида муҳим воқелик бўлди. Ч.Ахмаров шогирдлари устознинг ишларини давом эттириб миниатюрани янги босқичга кўтардилар. Маҳобатли деворий суратни “Усто” бирлашмаси “Санойи нафиса” гуруҳининг моҳир рассомлари Т.Болтабоев, Х.Назиров, С.Камолов, С.Қорабоевлар миниатюра услубидан фойдаланган ҳолда яратдилар. Гуруҳ ижодида миниатюра санъатидаги сюжет, тасвир ва

колорит сақланган бўлсада, аммо деворий сурат яратишдаги переспектива, композициянинг қурилиши ва техник жараёнлар ўзгарди.

Темурийлар тарихи давлат музейи кириш залининг марказий қисмидаги “Буюк соҳибқирон-буюк бунёдкор” деб номланган маҳобатли деворий тасвирий санъат асарини яратишда ижодкорлар машҳур маҳобатли рангтасвирчи рассом Чингиз Ахмаров тажрибаларидан илҳомланган ҳолда Шарқ миниатюралари мавзуси ва услубидан фойдаланиб, уни маҳобатли деворга олиб чиқиш ғоясига келиб тўхтадилар. Ушбу деворий суратни ишлашда рассомлар жуда катта изланишлар олиб борган.[3]. Изланишлар натижасида миниатюра рангтасвири услубидан фойдаланиш тўлиқ ўзини оқлади. Рассом Тоир Болтабоев ижодий суҳбат чоғида ўрта асрлар шарқ миниатюра мактаблари анъаналарини сақлаш ва улардан амалда фойдаланишга интилишганини айтиб утди. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларига қараганда бу услубдан Амир Темури томонидан курдирилган Самарқанд сарой деворий суратларида фойдаланилган. Ибн Арабшоҳ, Шарафуддин Али Яздий, Захириддин Муҳаммад Бобур ўз рисолаларида Самарқанддаги Боғи Шимол, Боғи Дилкушо ва Ҳирот саройининг ҳашаматли деворий расм-безаклари ҳақида сўз юритганлар.

Музейнинг тиллаҳал билан зийнатланган хошияли ички гумбази, интерьерлари ҳамда “Буюк соҳибқирон-буюкбунёдкор” маҳобатли деворий суръати нозик тарзда уйғунлик касб этади. Фреска уч қисмдан “Туғилиш”, “Юксалиш”, “Фахрланиш” иборат бўлиб: Амир Темурнинг туғилиши, унинг улғайиб, буюк темурийлар салтанатига асос солиши, фан ва маданият юксалишига қўшган улкан ҳиссаси, соҳибқироннинг давлатчилик сиёсати, бунёдкорлиги ва темурийлар даври анъаналарининг давомийлиги ғояларини намоён қилади.

Триптихнинг “Туғилиш” қисмида туғилиш билан боғлиқ миллий урф одатлар рамзий тасвирларда ифодаланган. Асар марказида уч аёл тасвири бўлиб, улар чақалоқ яни соҳибқирон таваллудини шод хуррамлик билан тараннум этишмоқда. Аёллардан бири яхши ниятлар ила бешик учун ёпинчик тайёрламоқда. Унинг қўли юқорига кўтарилган ҳолда нигоҳлари матога қаратилган. Атрофидаги икки аёл эса миллий чолғу асбобларидан доира ва уд чалиб бир бирларига ҳаммоҳанг тарзда тасвирланган. Композитция марказидаги бешик, чап тарафдаги гуллаган дарахт тасвири асар мазмунини очиб беришга хизмат қилади. Иккинчи планда бежирим ва сержило зийнатланган шомиёна(тунашга мўлжалланган чодир) ҳамда туркий ҳалқлар ватани ўтов тасвирланган. Унда ислимий нақшлар билан биргаликда безак сифатида қўлланилган сичқонлар тасвири ҳам мавжуд. Амир Темури таваллуд топган йил сичқон йилига туғри келади, рассомлар хатто буни ҳам тасвирлаганликларини этироф этиш ўринли. Ўтовнинг юқори қисмида қўнган лочин юксак парвоз,

мовий осмон узра тасвирланган хумо куши афсонавий куш, бахт-саодат, давлат рамзи ҳисобланади. Бу тасвирлар Амир Темурнинг буюк келажига ишора. Юқоридаги кўй буржи тасвири эса унинг шу бурж остида таваллуд топганлигидан далолат беради. Асарнинг қуйи қисмида шарқираб оқаятган чашманинг “Туғилиш” қисмидан бошланиб “Фахрланиш” қисмида тугалланиши, юқоридан кесиб ўтган самовий нурнинг айнан шу каби тасвири композицияда яхлитлик касб этади. Уч қисми бадиий мазмун жиҳатидан бирлаштиради.

“Юксалиш” композиция марказида мармар тўшалган боғда тилаҳал билан безатилган тахтада виқор билан ўтирган бақувват, буюк соҳибқирон Амир Темур образи гавдаланади. Қўллари оёқлари устига қўйилган, ўнг қўлида оқ рўмоли бор. Нигоҳи бир нуқтага қаратилган бўлиб юз қиёфасидан унинг қаттиятлилиги сезилиб туради, кошлари бироз кутарилган. Эғнида яшил кўйлак, устидан нақшлар билан зийнатланган кимхоб тўн кийган. Бошида олтин тожи бор, унга қиматбаҳо ёқут тошлар билан инкрустация қилинган.

1370 йил апрелидаги “Амир Темурнинг Балхда ўтказган расмий қабули” Қўш расм. Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асари қўлёзмасига ишланган. Сақланиш жойи Америка Қўшма Штатлари. Балтимор шаҳри. Уларда расм номи қайд этилмаган бўлсада, мутахассислар уларни буюк мусаввир устод Камолiddин Бехзоднинг илк ижоди самараси деб баҳолайдилар.[4]. Бу расмда ҳокимиятга келган Амир Темур яшил кийимда, нақшинкор тахта устида ўтирган ҳолда тасвирланган. Триптихнинг “Юксалиш” қисмидаги соҳибқирон образининг яратилишига асос бўлган дейиш мумкин.

Араб тарихчиси Ахмад Ибн Арабшоҳ “Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Темур” (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) номли асарида Соҳибқирон ҳақида шундай ёзади: Амир Темур баланд қадли, узун бўйли, тик қоматли, гуё у қадимий паҳлавонлар авлодларидан бўлиб, кенг пешонали, катта бошли, ғоятда кучли ва салобатли, ажойиб бўлалик, ранги оқу қизил юзли, лекин доғсиз, буғдой ранг эмас, қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, пойчалари семиз, қадди-қомати камолига етган, серсоқол ва йўғон овозли эди.[5].

Соҳибқироннинг ўнг ва чап тарафида вазири, уламо, ҳарбий аёнлар даврасидаги машваратлари акс эттирилган. Фресканинг қуйи қисмида анвойи гилам устида Амир Темурнинг набира ва абиралари Муҳаммад Султон, Мирзо Улуғбек, Султон Хусайн Мирзо, Заҳириддин Муҳаммад Бобур боболаридан меърос қолган “Тузуқларни” мутоала қилаётганликлари тасвирланган. Темурий шахзодалар эғниларидаги либослар бежирим матолардан бўлиб, гўзал нақш нигорлар билан безатилган. Темурийлар даврида қимматбаҳо матолардан сарой аҳли учун бежирим либослар яратилган бўлиб бунда эркаклар либосларига ҳам

катта ахамият қаратилганлиги Рюи Гонзалес де Клавихонинг Самарқандга Амир Темур саройига саёхат кундалигида баён этилган. Шахзодаларнинг саллалари куш пати(султон) ҳамда қимматбаҳо тошлар билан безак берилган.

Марказий қисмнинг ўнг тарафида пештоқ тасвири бўлиб, унда арслон қуёш ва уч ҳалқа шаклидаги тамға акс эттирилган. Бу пештоқни тасвирлашда ижодий гуруҳ таниқли археолог, санъатшунос Г.А.Пугаченковадан ҳам қимматли маълумотлар олганликларини этироф этиш мумкин.

Испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавихонинг ёзишича Оксарой кўриниш хонасининг кўркам, маҳобатли пештоқ тепасида Амир Темурнинг уч ҳалқадан иборат туғроси, Арслон ва Қуёш мужассами шаклларида берилган.[6]. Бу тамғалар “Темур уч иқлимнинг ҳукмдори” деган маънони аниқлатган. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича Темур отларидаги тамға, тангаю тиллоларига зарб берилдиган (асосий) белги ҳам мана шундай уч ҳалқадан иборат эди.[5].

Пештоқ ёнида сершоҳ олтин дарахт тасвирланган бўлиб Клавихо ўз кундалигида шундай баён этади: Ушбу хонтахта қаршисида эман дарахти шаклидаги “олтин” дарахт турибди. Тобоққа ўрнатилган дарахтнинг танаси одам оёғи йўғонлигича келади. Унинг шоҳларида эман дарахти баргларида ўхшаш япроқлар ҳар томонга таралган. Баландлиги одам бўйича бор. Дарахтнинг сарғиш, қизил, зангори ёқутлар, зумрадлар, ферузлар ва ажойиб, йирик-йирик тиник, думалоқ, сара марваридлардан “мевалари” бор эди. Бу (қимматбаҳо) тошлар дарахтга ўйиб ўрнатилган. Бундан ташқари, дарахтга олтин қушчалар қўниб турибди. Қушчаларга ҳар хил сирли бўйоқлар билан сайқал берилган. Баъзи қушчаларнинг қаноти туширилган, баъзилари тушиб кетадигандай бўлиб, бутуқларга зўрға илиниб турибди, айримлари дарахтнинг ёқут, феруза, марварид ва бошқа тошлардан ишланган “мевалари”ни тумшукларида тутиб турарди.[7]. Ёзиб қолдирган қимматли маълумотларнинг рангтасвирдаги ифодасини ижодкорлар шу қадар моҳирлик билан тасвирлаганини кўриш мумкин. Манбаларга тайанган ҳолда таҳлил қилиш жараёнида бунга бевосита гувоҳ бўлдик.

Марказий қисм, биринчи план чап бурчагида Амир Темур Туркистонда барпо этган Ахмад Яссавийнинг қозонхонаси эшиклари олдида суфий ва қаландар тасвирланган. Эшикнинг юқорисида сершоҳ анор тасвири бўлиб у эзгулик, тўқчилик ҳамда тўкин сочинлик рамзларини ифодалайди. Ўнг тарафда нақшинкор устунга суянган шарқ гузалифаровон ва гўзал хаётга ишорадир. Юқорида соҳибқирон бунёд эттирган меъморий обидалар Оксарой, Ҳожа Ахмад Яссавий мақбараси, Бибихоним, Шохи зинда мақбаралари, Улуғбек мадрасаси ҳамда боғлар тасвирлари мавжуд. Композициядаги иккита ёғоч устунлар улуғворлик ва маҳобатлилиқ касб этади. Иккинчи қатламнинг юқори қисмида оқ

мато билан адолат қиличини, яшил мато устида ислом динининг муқаддас китоби Қурони Каримни тутиб турган фаришталарни кўриш мумкин. Бунда тасвирланган ой илм фан, қуёш куч рамзи ҳисобланади. “Юксалиш”да “Ростирасти”, “Тўғрилиқ нажотдир” деган шиор олтин ҳарфлар билан ёзилган. Қуйи қисмида эса Туронзамин манзаралари акс эттирилган. Миниатюрага хос дарахтлар, сарвлар ва фаввора асарга гузаллик бахш этади. Ҳирот миниатюра мактабининг ижодий ютуқларидан бири расмларда бир эмас, бир неча воқеа ходисани очиб беришдир. Бу эса санъаткорга ҳаётий кузатишлари натижасида акс эттиришга имкон яратиб беради. К.Беҳзодга хос кўп планлилик анъаналарини “Юксалиш” қисмида кўриш мумкин. Беҳзод асарларида тугалланган умумий яхлитлик сақловчи композиция асосида доира ётади. Айнан бу қисмда шундай хусусиятни кўриш мумкин. Марказий қисм атрофига қуфий ҳатида қурон оятлари битилган, нақшлар билан безалган.

“Фахрланиш” Амир Темур даври анъаналарининг давомийлиги акс эттирилган бўлиб, мероснинг авлоддан авлодга ўтиб келаётганлик ғояси ўз ечимини топган. Амир Темур ўзи барпо этган давлатни ва ўзи асос солган улуснинг тақдирини ўғилларидан кўра набираларига кўпроқ боғлар замонасининг энг илғор олиму донишмандлари Темурийлар тарбияси билан шуғулланардилар. Маданиятга хомийлик қилиш Темурийлар учун авлоддан-авлодга ўтувчи оилавий анъанага айланиб қолган. Ана шу анъананинги энг кузга кўринган давомчиларидан бири Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек эди.[7]. Фахрланиш қисмида Гўри амир мақбараси ва Мирзо Улуғбек расадхонаси секстанти тасвирланганлиги орқали, Амир Темурнинг вафотидан сўнг унинг давомчилари, авлодлари ҳам бунёдкорлик ишларини давом эттирганликлари ўз ифодасини топган. Композиция марказида оқ либос кийган мўйсафит чол ёш навқирон йигитга қулидаги китобни тақдим этаётгани, мероснинг авлоддан авлодга ўтиб келаётганлик ғоясини очиб беришга ҳизмат қилади. Чархпалак ҳаёт давомийлигини, вақтнинг ўтишини рамзий маънода акс эттирган. Чинор етуклик, сув ҳаёт ва умрнинг утиши, мева бераётган дарахт ҳам ўз рамзий маъноларига эга. Юқорида қовға буржи тасвирланганлиги соҳибқироннинг вафот этган вақтини ифодалайди. “Юксалиш” қисмида порлаб турган юлдузнинг фахрланиш қисмида сўниши, айнан Гўри Амир мақбарасига йўналганлиги, Амир Темурнинг шу жойда кўним топганлигига ишорадир. Асарнинг чап қуйи қисмида пештоққа буюк шоир ва мутафаккир Мир Алишер Навоийнинг қуйидаги мисраси битилган.

“Бу гулшан ичраки йўқдир бақо гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур, қолса яхшилик била от”

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки бу мисранинг келтирилиши ҳам бежиз эмас, Амир Темур ўзининг ҳаёти давомида ўз пойтахти Самарқандни маданий-меъморий ва илмий-маънавий марказларидан бирига айлантирган. Ижодкорлар халқимизни мумтоз миниатюра санъатига хос нафосатдан баҳраманд бўлиши учун, миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг янада ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшиб, буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур ва темурийларнинг буюк тарихий хизматлари, иқтисодий ривожланиши, темурийлар даврида давлатчилик, меъморчилик ва шахарсозлик, амалий санъати ва бошқа соҳаларнинг юксак даражада ривожланганлигини биргина асар орқали кўрсатиб беришга эришишди. Маҳобатли рангасвир асарини яратишда мумтоз миниатюра анъаналардан фойдаланиб, ижодий жиҳатдан ёндашилган. Бунинг натижасида эса жамоа Камолиддин Бехзод номидаги Давлат мукофотиغا сазовор бўлган. Шуни таъкидлаш жоизки, маҳобатли рангасвир Ўзбекистон худудида қадимги анъаналарга эга, бу санъат Темур ва темурийлар даврида мавжуд бўлганлиги тўғрисида ёзма манбаларда маълумотлар мавжуд. Лекин маҳобатли асарлар айнан сақланиб қолмаган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Замонавий Ўзбекистон миниатюраси. Ш.Шоёкубов. Альбом. Ўзбекистон. 2006.
2. Ўзбекистон санъати (1991-2001 йиллар)//таҳрир хайъати: Ҳ.Караматов, Н.Жўраев, Т.Кўзиев ва бош.: Илмий муҳаррир: А.Ҳақимов; Суратчилар: Ф.Қурбонбоев, К.Минайченко, Р.Исламов ва бошқ.:.-Т.: “Шарқ” 2001. Авторлар жамоаси. Т.: Ўзбекистон. 2001
3. Темурийлар тарихи давлат музейи дурдоналари. Тошкент. MASHUR-PRESS.2017.
4. Темурийлар ва Бобурийлар даври миниатюра санъати ривожини/ Мадраимов Абдумажид. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Темурийлар тарихи давлат музейи.-Т.: “Фан” нашриёти, 2019.-296б. 80расм.
5. Ибн Арабшоҳ “Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Темур” (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). Убайдулла Уватов таржимаси. I Китоб. Тошкент .: “Меҳнат”, 1992.-65б.
6. Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Р.Қосимов. Муаллифлар жамоаси: С.Саидқосимов(рахбар), А.Ахмедов,Б.Ахмедов ва бош.-Т.: “Шарқ”, 2006.-163б.
7. Гонсалес Руи Де Клавихо. Самарқандга Амир Темур саройига саёхат (1403-1406) масул муҳаррир: Мухаммад Али; сўз боши ва изоҳлар муаллифи М.Сафаров: тарж О.Тоғаев.-Т.: “Ўзбекистон”, 2010.-188б